




Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 30 ноябрь, № 235 (5909) • Шанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 ноябрь куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Тошкентга келган Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведевни қабул қилди.



(ЎзА).
Альо АБДУЛЛАЕВ
олган сурат.

ШҲТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Тошкент шаҳрида 29 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Серик Ахметов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Жонтура Сотиболдиев, Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзоданинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Музокарада ШҲТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев ва ШҲТ Минтақавий аксил-террор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэн ҳам иштирок этди.

Узаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтган мулоқот чоғида ШҲТ фаолияти изчил ривожланиб бораётгани, аъзо давлатлар ўртасида 2007 йилда имзоланган Узоқ мuddатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

ШҲТ қисқа мuddатда жадал ривожланиб, нуфузли халқаро ташкилотга айланди. Унинг халқаро майдондаги мавқеи йил сайин ортиб, ташкилотга аъзо бўлиш истиғини билдирган давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

ШҲТнинг асосий мақсад ва вазифалари аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий, фан-техника, таълим, маданият, энергетика, транспорт, экология каби соҳаларда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан иборат.

Ўтган йиллар мобайнида ШҲТ ҳудудида замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ШҲТга аъзо давлатлар ва умуман, бутун минтақани барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, ижтимоий-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим

(Давоми 2-бетда). >>>

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабда "Конституция — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қафолати" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари ва қонунчилик

Этироф қилинганидек, Конституция — юртимиз тараққиётининг ҳуқуқий қафолати, давлатимиз мустақиллигининг ёрқин рамзи, кўп миллатли халқимиз хоширодасининг қонуний ифодаси ўлароқ, ижтимоий-сиёсий ислохотларда ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда). >>>

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцяннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ўзаро ҳамкорлик кўлами барча соҳаларда кенгайиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқиб, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида маданий-гуманитар, ахборот алмашинуви, шаҳарлараро алоқалар, кичик бизнес, темир йўл қурилиши соҳаларига оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

(ЎзА).

8 ДЕКАБРЬ —

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

Ижтимоий бандликнинг мустаҳкам пойдевори

"Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир".

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан).

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилди. Хусусан, фуқароларнинг ижтимоий бандлигини таъминлаш, уларга муносиб меҳнат шaroитлари ҳамда муносабатларини яратиб беришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий база шакллантирилиб, тақомиллаштириб борилаёпти. Ўзбекистон Республи-

каси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган демократик тамойилларга мувофиқ, Меҳнат кодекси ва бир қатор қонунлар қабул қилинди. Шулар асосида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилаёпти.

Юртимизда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш учун эркин касб танлаши, малага ва билимга эга бўлиш учун барча имкониятлар яратиб берилаёпти.

Ҳар йили касб-хунар коллежи ва лицей битирувчиларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун улкан ғамхўрлик кўрсатилаётгани ҳам ана шундан далолат беради. Чунончи, коллежда ўқувчилик даврдан уч томонлама, яъни ўқувчи, иш берувчи ва коллеж маъмурияти билан тузиладиган шартномалар асосида уларни касб-хунар муассасасини битказгандан кейин иш билан таъминлаш қафолатланапти.

Худудлар, тармоқлар бўйича тадбиркорликни, айниқса, оилавий бизнес, касаначилик, фермерликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Бу эса иж-

тимоий бандликни янада кенгайтиришда муҳим омилдир. Жумладан, 2013 йилнинг январь — сентябрь ойларида 830 миңдан ортиқ иш ўринлари барпо қилинди. Уларнинг ярми кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлик тармоқлари ҳиссасига тўғри келгани диққатга сазовор. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 17 апрелдаги "2013 — 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори алоҳида аҳамият касб этди.

(Давоми 2-бетда). >>>

Қисқа сатрларда

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, мамлакатимизнинг барча худудларида бўлгани каби, Самарқанд вилоятида ҳам "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида "Саломатлик кунлари" ташкил этилди. Тадбирда вилоятнинг чекка худудларида истиқомат қилувчи кекса ва ёлғиз пенсионерлар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган беморлар малакали мутахассислар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур тавсиялар берилди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олий журналистика курсларида ихтисослашув масалаларига бағишланган илмий-амалий семинарда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари тараққиёти тенденциялари, Олий журналистика курсларида ўқув-амалиёт кўникмалари, фотожурналистикада маҳорат ва масъулият уйғунлиги, профессионал журналистларни тайёрлаш масалалари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни арафасида Бухоро шаҳрида республика ногиронлар жамияти ва Япония Халқаро ҳамкорлик агентлигининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкор-

лигида "Шароити чекланганлик: тенглик" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда мамлакатимизда ногиронлар реабилитацияси борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларининг юртимиздаги филиаллари талабалари ўртасида ўтказилган "Менинг онажон тилим" маънавий-маърифий танлови якунланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган ташкил этилган мазкур тадбир ниҳоясида голибларга ташкилотчиларнинг faxрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Термиз давлат университетида "XXI аср — интеллектуал авлод асри" шиори остида ёш олимлар ва талабаларнинг республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Унда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Андиджон, Бухоро, Гулистон, Урганч, Қарши давлат университетларида бўлиб

ўтган худудий босқичларда голиб чиққан ёш олим ва талабалар ўз салоҳиятини яна бир бор синовдан ўтказди. Тадбирнинг ижтимоий-гуманитар, табиий ва аниқ фанлар бўйича шўба йиғилишларида ёш олимлар, илмий тадқиқотчилар, талабалар ўз илмий тадқиқот ишлари ва илмий мақолалари билан фаол иштирок этди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизнинг йирик sanoat корхоналарида умумий қиймати

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

201,1

миллион АҚШ долларилек модернизациялаш ишлари бажарилди.

Иқтисодий тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш доирасида ярқосиз, маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ускуналарнинг замонавийларига алмаштирилиши, ўз навбатида, бозор талабларига мос юқори сифатли ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда). >>>

Qishloq Qurilish Bank

юртдошларимизга «UZKART-EMV» тўлов тизимида оид банк карточкаларини таклиф этади.



Ушбу карточкаларнинг куйидаги имкониятлари мавжуд:

- карточка «on-line» режимда ишлайди;
- тўлов амалга оширилган заҳоти «SMS-хабарнома» олиш имконияти мавжуд;
- карточка йўқотилганда банкка хабар берилган заҳотиёқ блокировка қилинади;
- карточка ҳисобварағига маблағ келиб тушганда, банкка келиб уни тўлдириш зарурати йўқ;
- мобиль телефонидан тўловларни амалга ошириш мумкин;
- интернет-банкнинг тизими орқали тўғридан-тўғри барча турдаги тўловларни амалга ошириш имконияти бор;
- карточкалардан тўловлар амалга оширилганда, банк томонидан ҳақ ундирилмайди.

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» пластик карточкалари ишончли тўлов воситасидир.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-47, 150-39-93. www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматиди!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан ФИБ Наманган туманларо судининг 2013 йил 25 апрелдаги 1-1563-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Наманган тумани, «Ирвадон» ҚФЙ, 2-Ирвадон маҳалласида жойлашган, фуқаро Мамадалиев Шухрат Фазлиддиновичга тегишли, фойдаланиш майдони 327,76 кв.м., қурилиш ости майдони 273,98 кв.м. бўлган 2 қаватли ошона, савдо ва маийш хизмат мажмуаси бино-иншоотлари куйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 112 100 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Тўрақўрғон тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2013 йил 27 августдаги 16-1304/7423-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, «Холматов» ҚФЙ, «Катта қўрғонча» МФИда жойлашган, «Тўрақўрғон кино-

видео» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 487,94 кв.м., қурилиш ости майдони 517,74 кв.м. бўлган «Қўрғонча» кинотеатри бино-иншоотлари куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 160 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 31 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 27 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Ноҳира кўчаси, 3-уй, 4-қават.
Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Фарғона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти худудий бошкармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «1-Кўчма механикашайриланган Карвон» хусусий корхонасига қарашли, Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Нишонобод» МФИда жойлашган лаборатория ва ёрдамчи бинолар арзонлаштирилган ҳолда такоран куйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 412 419 352 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 18 декабрь куни соат

15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 16 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига куйилган мулк билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Манзил: Фарғона ш., Бурхониддин Марғиний к., 35-уй. Tel.: (8-373) 244-46-39. www.1kms.uz, rieltsavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Хоразм вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2013 йил 15 ноябрдаги 9279-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Караван Хива» х/к.га қарашли, Хива шаҳрида жойлашган, 11 хонадан иборат ресторан биноси куйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 760 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 31 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат

10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 27 декабрь куни соат 11.00.

Аукцион савдосига куйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Урганч шаҳри, И. Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефон: (8-362) 226-43-64. Факс: (8-362) 226-32-63.

Лицензия: RR-0001.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиди ўтказиладиган аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда:

1. Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошкармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 12 февралдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ қовоқ» ҚФЙ, Оқ олтин маҳалласида жойлашган, умумий майдони 643,0 кв.м., қурилиш ости майдони 180,92 кв.м. бўлган тураржой.
Бошланғич баҳоси — 107 760 000 сўм.

2. Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2012 йил 17 майдаги 14-1202/3699-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 2-қават, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 143,0 кв.м. бўлган нотураржой.
Бошланғич баҳоси — 151 002 320 сўм.

2013 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар такоран куйилмоқда:

1. Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 27 сентябрдаги 2-177ж/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-қават, 40-уй, 19-хонадонда жойлашган, умумий

майдони 81,41 кв.м. бўлган уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 110 544 728,4 сўм.

2. Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 16 майдаги 10-1204/11411-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда жойлашган, умумий ер майдони 839,0 кв.м., фойдаланиш майдони 488,0 кв.м. бўлган цех биносининг бир қисми.
Бошланғич баҳоси — 215 972 240 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01013, СТИР: 207126662.

Аукцион қолиби сотиб олган мулк қиймати 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.

Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR 0017.

«Universal auktsion invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиали

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2013 йил 16 декабрь куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиди ўтказиладиган аукцион савдосига куйидаги автотранспорт воситалари такоран куйилмоқда:

СИБ Фарғона вилояти худудий бошкармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, Дўстлик кўчаси, «КМК-1» корхонасида сақланаётган:

* 1974 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2101» русумли, жигарранг тусли, давлат рақами 15 AD 518.
Бошланғич баҳоси — 3 484 642 сўм.

* 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-5511» русумли, пуштиранг тусли, давлат рақами 15 AN 823.

Бошланғич баҳоси — 28 390 658 сўм.

* 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-500» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 AN 821.

Бошланғич баҳоси — 31 574 276 сўм.

* 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ 133 ГЯ» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 AN 788.

Бошланғич баҳоси — 36 966 265 сўм.

* 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-5511» русумли, оқ рангли, давлат рақами 15 AN 783.

Бошланғич баҳоси — 28 390 658 сўм.

* 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «М21251010» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 AD 521, техник носоз.

Бошланғич баҳоси — 2 162 633 сўм.

* 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «Ford» русумли, оқ рангли, давлат рақами 15 AN 748, таъмирталаб.

Бошланғич баҳоси — 11 459 542 сўм.

* 1982 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-504 Р» русумли, давлат рақами 15 AN 378, техник носоз.

Бошланғич баҳоси — 5 716 433 сўм.

* 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «Ford tranzit» русумли, оқ рангли, давлат рақами 15 AN 795.

Бошланғич баҳоси — 11 459 542 сўм.

* 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «КРАЗ 250» русумли, кўк рангли, давлат рақами 15 AN 148, техник носоз.

Бошланғич баҳоси — 4 204 352 сўм.

* 1976 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-503 А» русумли, давлат рақами 15 AN 140, техник носоз.

Бошланғич баҳоси — 7 479 784 сўм.

* 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21013» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 AD 314.

Бошланғич баҳоси — 3 293 106 сўм.

* 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «КВЗ-9368» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 B 996, техник носоз.

Бошланғич баҳоси — 2 039 558 сўм.

* 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «Одаз-935» русумли, давлат рақами 15 B 804, техник носоз.

Бошланғич баҳоси — 10 586 100 сўм.

* 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Dong Febg» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 AN 877.

Бошланғич баҳоси — 115 232 120 сўм.

* 1966 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-500» русумли, хаворанг тусли, давлат рақами 15 AN 680, техник носоз.

Бошланғич баҳоси — 5 001 120 сўм.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Мухаммадиев кўчаси, 64-«А» уй, 16-хона. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.

Гувоҳнома № 004059.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиди ўтказиладиган такоррий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

1. Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар СИБ томонидан 2013 йил 13 августдаги 8635-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалик шаҳри, Фуркат кўчаси, 26-уйда жойлашган, яшаш майдони 25,1 кв.м., фойдаланиш майдони 57,2 кв.м. бўлган 20-хонадон савдога куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 24 000 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар СИБ томонидан 2012 йил 17 апрелдаги 9323-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалик шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 22-уйда жойлашган, умумий майдони 2472,4 кв.м., фойдаланиш майдони 1959,90 кв.м. бўлган 22-уй савдога куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 275 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 30 декабрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига куйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:

Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!




ТОШКЕНТ – ВОЛГОГРАД – ТОШКЕНТ

ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари

УРГАНЧ – ВОЛГОГРАД – УРГАНЧ

ҳар ҳафтанинг шанба кунлари



+99871 140-02-00

www.uzairways.com

Сертификат № СЭ1-0

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!

Диққат!

Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадиган лойиҳалар, гоғларни аниқлаш ва амалга ошириш мақсадиди Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорликда жорий йилнинг 11 декабрь куни Гулистон шаҳрида бўладиган «Бизнес ғоя — 2013» кўрик-танловини эълон қилади.

Мазкур кўрик-танловда барча юридик ва жисмоний шахслар, хоржий инвесторлар қатнашишлари мумкин. Аризалар жорий йилнинг 5 декабригача қабул қилинади.

Ғолиблар 5 та йўналиш ҳамда 50 та номинация бўйича аниқланади ва улар ташкилий қўмитанинг қимматбаҳо совғалари ҳамда дипломи билан тақдирланади. Шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш учун «ноль» қийматда ишлаб чиқариш бинолари, барча коммуникацияга эга бўлган худудлардан ер майдонлари, имтёзли банк кредитлари таклиф этилади.

Манзил: Гулистон шаҳри, Қаҳрамонлар хиёбони, 1-уй.

Телефонлар: (8-371) 230-78-78/80, (8-367) 221-11-01.

Call center: (8-371) 150-60-06.

ОБОД ТУРМУШ МАНЗАРАЛАРИ

Анджон вилоятининг Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоғида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси, табаррук инсон, саксон тўрт ёшли Собиржон ота Ҳакимов эл ҳурматиға сазовор. Чунки у доимо ҳақ гапни айтади, кундан-кунга яшариб бораётган юртимизни муносиб қадрлашларини барчадан бирдек истади. Истиқлолнинг неъматини қалбидан ўтказиб шундай даъват этадики, юрагингиз жўш уради. "Ватанни яхши кўринг, севинг, ҳурматини жойига қўйинг, худдики, у — отангиз ва онангиз, дуосини олинг, хизматини қилинг!" Отахон билан йўлимиз тушиб учраганимизда янгидан-янгидан тинимсиз топиб қўйишидан лол қоламиз. Донолигига, зийраклигига, ҳар бир нарсанинг ичига назар ташлаш қобилиятига тан берамиз.

Анджонга навбатдаги сафаримиз баҳонаси отахонни йўқлаб ўтдик. Мақсад-муддаомизни билгач, шундай дедилар: "Бизда бугун озод турмуш ва обод турмуш кайфияти ҳукмрон. Шу ҳақда ёзинг. Яшайдиргон замон келди. Бу ҳозир жудаям бошқача ҳасби ҳол, таърифи ниҳоятда фараҳбахш".



ЭЛ КАМОЛИ, ЮРТ РАВНАҚИ

нибди. Албатта, бундай ижобий кўрсаткичлар, факт ва рақамларни яна кўллаб келтириш мумкин. Бироқ эшитган бошқа, кўрган бошқа, деганларидек, яхшиси, ўзимиз гувоҳ бўлганларни бир бошидан айтишга ҳаракат қиламан.

Анджон тумани ҳудуди қарийб бутун шаҳарни ураб туради. "Обод турмуш йили" Давлат дастурига кўра, тумanning қирқ битта кўчасига туман ободонлаштириш бошқармаси ва пудратчи ташкилотлар тарафидан асфальт ётқизиладди.

16 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йигинида "Сувоқова" шўъба қорхонаси томонидан махсус сув тармоғи ва қудуқлар қурилиб, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чоралари кўрилатгани ҳам эътиборга молик.

Мавжуд 78 маҳаллада умум-халқ хайрия ҳашари кунлари 41898 туп манзарали, 4765 туп мевали дарахт, 44868 туп гул кўчати экилган, айниқса, чор-атрофни янада мусаффо ва чиройли бўлишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

7-умумтаълим мактабида ўқувчилар ва маҳаллалар ёшлари ўртасида "Бир болага етти кишилик футбол, волейбол, бадминтон, стол тенниси, бадий гимнастика турлари бўйича спорт мусобақаси ўтказилгани катта мамнуният билан билдиришганида биз ҳам қувондик. Ахир болаларимиз соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун қилинаётган ишлар давлат миқёсида аҳамиятга эга. Келажикимиз ишончи ва таянчи бўлган фарзандларимиз тақдирини уларга қараб қоларкан, нақд, бинойидай шаҳарча, дейсиз.

Номиям жуда улуг: Истиқлол маҳалласи. Бу ерда эллик еттигина бино Президентимизнинг қишлоқ жойларда намунавий уйлар қуриш ҳақидаги қарорлари асосида бунёд этилибди.

Уйни кўриш мақсадида биринчи дарвозаданок ҳовлига кириб чикарилади, — дейди "Хисорак" гидро электр станцияси директори Турсун Муродов. — Дарёда 10 куб метрдан 45 куб метргача сув бўлганда, ГЭС тўлик қувватда ишлайди. Иншоот ишга туширилганидан буюн 160 миллион киловатт/соат электр энергияси ҳосил қилиниб, халқ ҳўжалиги тармоқларига етказиб берилди. Келусида "Ўзсувэнерго" иختисослаштирилган бирашамаси лойиҳаси асосида ушбу дарё ўзанида жойлашган эски "Оқсув" кичик ГЭСини ҳам қайта реконструкция қилиш кўзда тутилган. Эътиборлиси, мазкур иккинчи иншоот фаолият бошлаган, у дарёда камида 3 куб метр сув бўлганда ҳам ишлайверади.

бордик. Кўп хонали уй. Бари шинам ва ораста. Кейин суҳбатда маълум бўлдики, бирини оила учун спорт залига айлантиришибди! Ўзим қишлоқда туғилиб ўсганман. Биз бундай спорт залини, афсус, мактабимизда ҳам кўрмаганмиз. Мана, одамларнинг бугун дунёқараши, ҳаётга муносабати, тафаккури қанчалар ўзгариб кетаяпти!

Хонадон соҳибаси Турдихон опа Йўлдошева тадбиркорлик билан шуғулланар экан. Оила олти кишидан иборат. Катта зал, хоналар жиҳози, ерга тўшалган гиламлар кўзича қамаштиради. Опа тилувчилик цехидан сўз очди, у ерда ишлаётган ўн бешта кўли гул қизларни қошу кўз қилиб мактади. Мамлакатимиздаги кулай ишбилармонлик муҳитини таъриф қилди. Эътибор ва рағбатдан миннатдорлиги изҳори пайти яйради, завқ-шаъқи тошди.

— Президентимизнинг тадбиркорларга яратиб берган имкониятлари жуда кенг, — дейди шу пайт суҳбатга аралашган маҳалла фуқаролар йигини раиси Абдуҳақ Халилов. — Ҳамма шароит бор... Бу — халқимизнинг бахти. Минг бор розимиз. Халқимизда эртанги кунга бўлган ишонч ниҳоятда кучлигидан қувонсан, киши.

Умуман, "Обод турмуш йили" Давлат дастури жуда бой ва сермазмун. Дастур билан танишсангиз, гайратингиз ўз-ўзидан жўшиб кетади. Бағоят муҳим йўналишларда вазибалар аниқ белгилаб берилган. Барчаси, табиийки, сув билан ҳаводай зарур.

Чиндан ҳам, дастур ҳаётимизнинг барча қирраларини қамраб олган. Халқ фаровонлиги ва реал даромадларнинг мунтазам ўсиб боришини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик, фермерликка янада кенгроқ йўл очил, аҳолининг ижтимоий нонор қатламлари ва кам таъминланган оилаларни давлат томонидан муҳофазага олиш...

Бир мисол: туманда мазкур йилда 5636 та иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган, тўққиз ой ичида 4450 та (1288 таси аёллар) иш ўрни яратилган эришилган. Яхши-я.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, аҳоли ўртасида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" лойиҳасини амалга ошириш, "Соғлом оила" — соғлом бола" тизимида тиббий саводхонликни

кучайтириш, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, халқнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, янги уй-жойлар қуриш, тоза сув ва электр қуввати билан таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, ёш ва эҳтиёмчанд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллалар ва уй-жой мавзеларининг ташқи қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш вазибаларини ҳал этиш, оилаларни янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оилада, жамиятдаги мавқени ошириш ва яна жуда кўп халқ

Яқинда "Шухрат" медалига сазовор бўлган Мунирхон Маллаева Олтинқул туманидаги Сувоқова қишлоғининг Мировод маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлайди. Жуда серғайиб, жонқур аёл экан. У — вилоятда "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг ғолиби. Фаоллик ва ташаббускорликда ибрат олмаққа лойик. — Тўйлар қандай ўтапти? —

отанинг ўзи тадбиркор, келини Шаҳнозаҳон ҳам тадбиркор. Яна бир тадбиркорни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Гап Абдуҳошим Исмоилов деган ишбилармон йигит ҳақида бормоқда. Абдуҳошим маҳаллада қалиш ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ҳозир қорхона қувватга тўлиб, 54 хил махсулот ишлаб чиқармоқда. Харидор кўп. Бир замонлар қалишлар узоқ ўлкалардан олиб келинар, бозорларни ўшалар тўлдирганди. Энди ўзбекистон бир қишлоғидан, Абдуҳошим қорхонасидан чиққан қалишлар узоқ ўлкаларга олиб кетилмоқда. Зайнаб-хон Раҳматова деган тадбиркор цех очиб, қоғоз чиқиндиларидан фойдаланиб, идора қоғозлари, турфа бланкалар ишлаб чиқармоқда. Кодиржон Қозоқов эса хориж технологияси асосида гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди...

Буларнинг бари бугун ўзбек қишлоғида рўй бермоқда! Тадбиркорлар ҳақида сўз кетар экан, Чўнтақ маҳалласи фуқаролар йиғинида "Бахт-имкон-ривож" наслчилик чорва фермер ҳўжалиги очган тадбиркор Фахриддин Исмоилов ҳақида тўхтамастикнинг сира илжоси йўк.

Тўрт кун давом этган мусобақа якунида вакиллариимиздан Вадим Шайхов кумуш, Руслан Фёдоров бронза медали соҳиб бўлди. Натижанда Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир ҳамюртимиз Денис Шайманов эса мусобақанинг "Энг яхши ёш пойгачи" си сифатида эътироф этилди.

Энди велоспортчиларимиз шу йилнинг 4 — 7 декабрь кунлари Қатарнинг Доха шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ўз имкониятларини синаб кўрадилар.



турмушини обод этишга йўналтирилган чора-тадбирлар ўзининг кўлами билан лол қолдиради. Дарҳақиқат, ҳаммаси эл камоли, юрт равнақи учун, инсон учун!

— Маҳалламизда ҳозир тўйхона, кимёвий кийим тозалаш қорхонаси, ҳаммом, новвойхона ишлаб турибди. Сув, газ билан таъминланган, канализация мавжуда. Аёллар саломи эса ҳаммаша гавжум.

— Бундай ҳаётда фақат кулиб, қувониб яшаш керак, — деди кулиб маҳалла оқсоқоли Абдуллаҳон Тўраев.

Ҳамма унга қўшилди. Дархон маҳалласида қирқ олти минг одам истиқомат қилади. Маҳаллада 1350 метр йўл асфальт қилинди. Хомийлик асосида ўн икки ўринли невропатология шифохонаси очилди.

Туманда олиб борилаётган маданий-маърифий ишлар ҳам жуда эътиборли. 37-умумтаълим мактабидаги "Наврўз сайли"ни ҳали-ҳануз кўпчилик ёдига сақлаб юрибди. Унда ўқувчилар турли, сочини турмаклаш, чўчвара туғиш, ўсма қўйиш, тўптош ўйнаш, арқон тортиш, қураш тутиш, баҳру байлар, лапарлар айтиш каби чаққонликка, топқирликка, хушёрликка ўргатадиган малакаю кўникмаларни, миллий ўйинларни намойиш этганлари нақадар унутилмас воқеа бўлганлигини аниқлаш мушкул эмас. Лионбарин, жорий йил давомида мактаб ва касб-хўна қоллекларида ўқувчилар орасида ўтказилган "Балли, қизлар", "Миллий либослар", "Ўзун сочли санамлар", "Оқила қизлар" каби танловларнинг ҳам ўзига яраша аҳамияти ва қадр-қиммати бор.

сўрайман ундан.

— Ешлар билан ишлаш бугун жуда долзарб вазифа. Келинлик ҳам катта билим. Баъзан вояга етмаган ёшлар турмуш нима, бахт нима, англашмайди экан. Бу ачинарли. Биз ота-оналар билан баҳамжиҳат ёшларга тушунтиришга ҳаракат қилаямиз. Оқил йўллар излаямиз. Уринишларимиз зое кетаётгани йўк, яхши натижа бермоқда. Масалан, тўйини ўтказишда тежамкорлик йўлини танлади.

— У қанақа экан? — Тўй бизда ҳозир бир кунда ўтади. Ортиқча дабдаларга йўл қўйилмайди. Эрталаб дастурхон ёзилгандан кейин, келин келади, ўйин-кулги бўлади. "Юз очди" ҳам шу кунга ўтади. Бу ҳаммага маъқул бўлаяпти.

— Қирқ тоғора" ташишлар йўқми?

— Бизда йўк. Тўрт юз саксон олти оила истиқомат қилаётган Мировод маҳалласида, асосан, зирavor этиштирилади. Улар, том маънода, зирavor миришқорларидир. Бири-бири билан саломлашганларидан кейин биринчи сўрайди-ганлари даставвал "Зирavorлар қалай?" сўзлари бўлади. Бу ерда раъно ё жамбил, кашини, зирқ, қалампир ва бошқа кўкатлар этиштирилади. "Мировод зирavorи" атамаси халқимиз орасида машҳур.

Мироводда тадбиркорлар кўп. Маҳалла раиси Абдуҳаким

Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати.

Спорт

Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳри велососссе бўйича халқаро турнирга мезбонлик қилди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи

Унда жаҳоннинг ўн беш давлатидан келган спортчилар совринли ўринлар учун кураш олиб боришди. Бахсларда Ватанимиз шарафини Тимур Гумеров, Вадим Шайхов, Владимир Тўйчиев, Дмитрий Лозовой, Руслан Фёдоров ва Денис Шайманов ҳимоя қилди.

Энди велоспортчиларимиз шу йилнинг 4 — 7 декабрь кунлари Қатарнинг Доха шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ўз имкониятларини синаб кўрадилар.

Навоий вилоятида баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасининг иккинчи тур баҳслари бўлиб ўтди.

Навбатдаги босқич якунланди



Ўн бир жамоа иштирок этган мусобақада пешқадам — пойтахтнинг "Электрон-аппарат" жамоаси Ўзбекистон Миллий университети спортчиларини 91:56 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Қолган учрашуларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: Марказий ҳарбий спорт клуби (Тошкент) — "Вестминстер" (Тошкент) 87:43, "Сўғдиёна" (Навоий) — Самарканд олимпия тахираларини тайёрлаш маркази 55:42, СКИФ (Тошкент) — Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 69:43, "Сўғдиёна-юниор" (Навоий) — "Университет" (Бухоро) 27:82.

Ўзбекистон чемпионатининг учинчи ва тўртинчи тур учрашувлари келаси йилнинг март — апрель ойларида бўлиб ўтади.

Республика Олимпия заҳиралари коллежидан эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон кўбаслари ўтказилди.

Кубок ғолиблари

Сақиз вазн тоифасида кечган беллашуларда Ҳосил Раҳимов, Исмоилдин Раҳимов, Маҳмуд Шавкатов, Музаффар Ризаев, Сирож Ҳасанов, Сўҳроб Муқаррамов, Зокир Мансуров ва Асилбек Абдурайимов олтин медалларга сазовор бўлди.

Ўзбекистон кубоги ғолиблари 2014 йили буладиган халқаро миқёсдаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Фозилдин АБИЛОВ тайёрлади.

Қайта тикланувчи энергия манбаи

Шаҳрисабз туманидаги "Хисорак" сув омбори ўзанидан шаклланидиган Оқсув дарёси ўз жозибаси билан ҳар қандай кишини мафтун этади. Чунки у бир неча километр масофани эгаллаган қоялар орасидан шаршара ҳосил қилиб оқади.

ИЗЛАНИШ

Энди мазкур дарё нафақат обихаёт, балки электр энергияси манбаига ҳам айланмоқда. Гап шундаки, ҳавзада 40,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига "Хисорак" гидро электр станцияси бунёд этилди. Маълумки, бугунги кунда бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам табиий бойликларни тежаш ва ишлаб чиқариш тармоқларига экологик соф технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда қайта тикланувчи

муқобил энергия манбаларидан фойдаланилаётгани катта иқтисодий самара берапти. Хорижининг энг илғор технологиялари билан жиҳозланган "Хисорак" ГЭС ҳам ана шундай ноёб иншоотлар сирасига кирди. Бу ерда электр қуввати сув омборидан жуда юқори босимда чиқадиган обихаёт ёрдамида, яъни арзон ва экологик соф усулда ҳосил қилинади. — Ушбу кичик ГЭСда соатига 45 минг киловатт электр энергияси ишлаб

чиқарилади, — дейди "Хисорак" гидро электр станцияси директори Турсун Муродов. — Дарёда 10 куб метрдан 45 куб метргача сув бўлганда, ГЭС тўлик қувватда ишлайди. Иншоот ишга туширилганидан буюн 160 миллион киловатт/соат электр энергияси ҳосил қилиниб, халқ ҳўжалиги тармоқларига етказиб берилди. Келусида "Ўзсувэнерго" иختисослаштирилган бирашамаси лойиҳаси асосида ушбу дарё ўзанида жойлашган эски "Оқсув" кичик ГЭСини ҳам қайта реконструкция қилиш кўзда тутилган. Эътиборлиси, мазкур иккинчи иншоот фаолият бошлаган, у дарёда камида 3 куб метр сув бўлганда ҳам ишлайверади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for Elektron Xisoblagich, featuring three models of electronic meters (DDS28U, DDSY283U, DTS541U) and their benefits for electricity users.

Advertisement for 'Xalq S'izi' newspaper, including contact information for the editor-in-chief, subscription rates, and publication details.